

# Режали эмлаш ва унинг аҳамияти



# Республика аҳолиси орасида иммунопрофилактика тадбирларини ўтказиш бўйича меъёрдаги хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015-йилдаги “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги” тўғрисидаги қонуни 5 боб 33 модда - Профилактик эмлашларни ўтказиш

2. ЎзРесССВнинг 2015 йил 6 апрелдаги **0239-07** сонли “Республикада юқумли касалликларнинг иммунопрофилактикасини ташкил қилиш ва ўтказиш” тўғрисидаги санитария қоида ва меъёрлари

3. ЎзРесССВнинг 2015 йил 27 январдаги “Бошқарилувчи юқумли касалликларнинг иммунопрофилактикасини ташкил қилиш ва ўтказиш” ҳақидаги **36**-сонли буйруғи

4. Ўз.Р.ССВнинг 2006 йил 11 апрелдаги **148**-сонли “ЖССТ/ЮНИСЕФнинг стандарт ҳисоботларини амалиётга киритиш ҳамда вакциналарни самарали бошқарув” тўғрисидаги буйруғи

Эмлаш хавфли ва юқумли хасталиклар кўзғатувчисининг зарарсиз миқдордагисини қонга юбориш жараёни ҳисобланади. Организм бу вирус билан «танишади» ва унга қарши иммунитет ҳосил қилади. Бу орқали хасталикнинг юқиш эҳтимоли сезиларли даражада камайтиради.



# ЭМЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ



- ❑ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, хавфли касалликларнинг олдини олиш бўйича эмлаш усули муаммога иқтисодий жиҳатдан энг самарали ечим бўлиб, йилига 2-3 миллион кишининг ҳаётини сақлаб қолинади.
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этган маълумотга кўра, эмлаш кампаниясининг тўғри амалга оширилиши натижасида бўғма, қоқшол, вирусли В гепатити каби хасталиклар Ўзбекистон худудида учрамайди.

# ЭМЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ



- ❧ Оммавий эмлаш болалар ўртасида юқумли касалликлар билан касалланишни ва ўлим даражасини сезиларли камайтириб, келгуси ҳаёт давомийлигини ошириб, узоқ активликни таъминлаб, айрим антропоноз касалликларни йўқ қилади
- ❧ Ҳозирги вақтда дунёда эмлаш воситалари билан 40 та юқумли касалликларга қарши самарали кураш олиб борилмоқда ва бу ҳали барчаси эмас.
- ❧ Иммунопрофилактика бир қатор инфекцияларни нафақат йўқ қилиш балки, келажакда бошқариладиган юқумли касалликларга қарши эмлаш сонини ошириб борилишга йўналтирилади.
- ❧ Яқин келажакда тиббиёт амалиётида уларни оммавий қўллаш билан қўшимча миллионлаб одамлар ҳаётини сақлаб қоладиган янги вакциналар тадбиқ қилинади.

# Ўзбекистонда юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш дастури



- Ўзбекистонда юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш дастури ҳамيشа асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.
- Ўзбекистон эмлаш дастури бўйича кўпгина ҳамкорларлар билан самарали иш олиб бормоқда, жумладан ЖССТ, ЮНИСЕФ, ГАВИ, ЛСА каби Халқаро ташкилотлар ва ҳудудий марказлар билан яқин кўп тармоқли ва самарали ҳамкорлик қилмоқда.
- Давлатнинг муҳим ютуқларидан бири кўп йиллардан бери миллий эмлаш дастурига давлат сиёсати сифатида қаралишидир.
- Дастур Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг тааллуқли қонунлари ва қонуности ҳужжатлари билан кучли сиёсий қўллаб қувватланган

# Ўзбекистонда юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш дастури



- ❧ Миллий эмлаш дастури (МЭД), Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази (ДСЭНМ) томонидан бошқарилади
- ❧ МЭДнинг бошлиғи етакчи мутахассис ҳисобланади.
- ❧ ДСЭНМ маъмурий ҳудудлардаги туман ва шаҳарлардаги бўлимлари билан бирга эмлашни режалаштиради ҳамда сотиб олиш, етказиб бериш ва эмлаш билан қамраб олинишини мониторингини олиб боради.
- ❧ Эмлаш хизмати мамлакат бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдам (БТСЁ) муассасалари даражасида (поликлиникаларда, оилавий поликлиникада ва шу билан бирга оилавий шифокор пунктида олиб борилади

# Ўзбекистонда юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш дастури



- ❧ Асосан эътибор дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, янги қўлланилаётган вакциналарни миллий эмлаш дастурига киритиб, уни такомиллаштириб боришга қаратилган.
- ❧ Миллий профилактик эмлаш календаридида бўғма, кўкйўтал, қоқшол, қизамиқ, қизилча, тепки, сил, полиомиелит, вирусли гепатитнинг В тури, haemophilus influenzae b тури (ХИБ), пневмококк инфекциялар ва одам папиллома вируси касалликларига қарши режали эмлаш амалга ошириш кўрсатиб ўтилган


# НАЕМОФИЛУС ИНФЛУЕНСАЕ В ТУРИ (ХИБ)ГА ҚАРШИ ЭМЛАШ



# ОДАМ ПАППИЛОМА ВИРУСИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЭМЛАШ



# ПНЕВМОКОКК ИНФЕКЦИЯЛАРГА ҚАРШИ ЭМЛАШ



Эмлаш вакциналар орқали амалга оширилади



Эмлашнинг турлари

Вакцина

Анатоксин


Бактериофаг

Иммун зардоб

# Вакцина



Вакцина бу юқумли касалликларга қарши иммунитетни яратиш учун мўлжалланган тиббий препарат





# БАКТЕРИОФАГ



- ❧ Бактериофаглар - "бактерияларни емирувчилар", бактерияларни емирувчи жуда майда микроорганизмлар
- ❧ Уларнинг таъсир механизми спецификдир
- ❧ Бактериофаглар суюқ ҳолда ва тугмачалар (таблеткалар) кўринишида чиқарилади.
- ❧ Бактериофагларни ичишдан олдин содали сув ичириш лозим, чунки бактериофаг тирик микроорганизм бўлганлиги сабабли, ошқозон шираси таркибидаги хлорид кислота таъсирида ҳалок бўлса унинг самараси бўлмайди



# ИММУН ЗАРДОБ



- ❧ Баъзи бир юқумли касалликларга қарши шошилишч эмлаш ва баъзиларини даволаш учун ишлатилади
- ❧ Бундай зардоблар асосан махсус эмланган ҳайвонларнинг (отлар) қон зардобидан (гетероген зардоблар) ишлов бериш йўли билан ва маълум касалликлар билан оғриб тузалган кишилар (донорлар) қонидан (гомологик зардоблар) тайёрланади.
- ❧ Иммуно зардоблар таркибида патоген микроорганизмларни ўлдирувчи ва уларнинг токсинларини зарарсизлантирувчи антителолар мавжуд.



# АНАТОКСИН



- ❧ Анатоксинлар - формалин ёрдамида патоген микроорганизмлар токсинларини зарарсизлантириб олинади,
- ❧ қайта ишлов бериш натижасида балласт (қўшимча) моддалардан тозаланади, бунда токсигенлик хусусиятлари йўқотилади, лекин унинг антигенлик ва иммуногенлик хусусиятлари саклаб қолинади.
- ❧ Анатоксинлар токсикоинфекция касалликлари - дифтерия, қоқшол, ботулизм каби касалликларга қарши профилактик эмлаш учун ишлатилади

# Эмлаш усуллари



- ❧ Тери остига дори юбориш
- ❧ Тери орасига дори юбориш
- ❧ Мушкул орасига дори юбориш
- ❧ Тери устига дори юбориш
- ❧ Бурун орқали эмлаш
- ❧ Оғиз орқали эмлаш

# МУШАК ОРАСИГА, ТЕРИ ОСТИГА, ТЕРИ ОРАСИГА, ТЕРИ УСТИГА ДОРИ ЮБОРИШ


## ВИДЫ ИНЪЕКЦИЙ

ВНУТРИМЫШЕЧНО




ПОДКОЖНО

ВНУТРИВЕННО

ВНУТРИКОЖНО



# Тери остига дори юбориш





Подкожную инъекцию выполняют на глубину 15 мм. Максимальный эффект от подкожно введённого лекарственного препарата достигается в среднем через 30 мин после инъекции.

**Наиболее удобные участки для подкожного введения лекарств:**

- верхняя треть наружной поверхности плеча,
- подлопаточное пространство,
- переднебоковая поверхность бедра,
- боковая поверхность брюшной стенки.

# Тери орасига дори юбориш



# Тери устига дори юбориш



# ДОРИ МОДДАСИНИ ИНТРАНАЗАЛ ВА ОҒИЗ ОРҚАЛИ ЮБОРИШ



# ВАКЦИНАЛАРНИНГ ТАНАГА ЮБОРИЛАДИГАН ЖОЙЛАРИ



**КПК вакцина**

**БЦЖ  
вакциnasi**

**АҚДС, АДС,  
АДС-М  
вакцина**

**ОПВ**

**ПЕНТАВАЛЕНТ  
вакцина**



қўлнинг елка  
қисми  
ташқарисига  
тери остига

қўлнинг елка  
қисми ташқи  
терисига

соннинг олди  
қисми мушак  
орасига

оғзига  
томизилади

соннинг олди  
қисми мушак  
орасига

# ЭМЛАШ КАЛЕНДАРИ

СанПин № 0239-07

<b>Ёш</b>	<b>Эмлаш номи</b>
1 сутка	ВГВ-1
2-5 кун	ОПВ-0 + БЦЖ-1
2 ой	пента-1 (АКДС-1, ВГВ-2, ХИБ-1), ОПВ-1, Рота-1 (оральная ротавирусная), ПНЕВМО-1
3 ой	пента -2 (АКДС-2, ВГВ-3, ХИБ-2), ОПВ-2, Рота-2 (оральная ротавирусная), ПНЕВМО-2
4 ой	пента -3 (АКДС-3, ВГВ-4, ХИБ-3), ОПВ-3, ИПВ
12 ой	КПК -1, ПНЕВМО-3
16 ой	АКДС -4, ОПВ - 4
6 ёш	КПК -2
1 синф (7 ёш)	АДС-М- 5, ОПВ-5
9-12 ёш	ВПЧ *
16 ёш	АДС-М – 6

# Эмлаш асоратидан сўнг ўлим ҳолларининг асосий сабаблари

<b>100 %</b>	<b>Очиқ флаконларни узоқ сақлаб сўнгга ишлатиш</b> Совуқлик занжирига амал қилмаслик Бир мартаба ишлатиладиган шприцларни қайта ишлатилиши Эмланган боланинг ота-онаси тиббий ходим томонидан эмлашдан сўнгги асорат ҳақида огохлантормаслиги УАШларнинг эмлашдан сўнгги асорат ҳақида билимларининг тўла эмаслиги Даволовчи врачларнинг эмлашдан сўнгги асорат ва бу ҳолда тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги билимларини етарли эмаслиги
<b>65 %</b>	Эмлашдан сўнгги асоратда болани шифохонага кеч ётқизилиши
<b>50 %</b>	УАШ кўригидан ўтказмасдан эмлаш
<b>25 %</b>	Вакцинани ўзига мос булмаган эритма билан эритилиши

# 2016 йил 6 ойида эмлашдан сўнгги реакциялар



Маъурий худудлар	Пентавакцина			АҚДС		
	Эмланган бола сони	Реакция сони	%	Эмланган бола сони	Реакция сони	%
<b>Тошкент ш</b>	112598	2751	2.4	37978	355	<b>0.9</b>
<b>Андижон вил</b>	195253	7916	4.0	63048	2632	4.1
<b>Бухоро вил</b>	105071	3293	3.1	35292	530	1.5
<b>Жиззах вил</b>	88530	2011	2.2	28617	341	1.2
<b>Қашқадарё вил</b>	207217	2510	<b>1.1</b>	66592	770	1.2
<b>Навои вил</b>	47245	3156	6.6	17089	768	4.5
<b>Наманган вил</b>	154905	1614	<b>1.0</b>	59351	563	<b>0.9</b>
<b>Самарканд вил</b>	235672	5547	2.3	81618	1439	1.8
<b>Сурхондарё вил</b>	178554	16416	9.1	57717	6411	7.3
<b>Сирдарё вил</b>	51120	2654	5.1	16264	551	3.4
<b>Тошкент вил</b>	176322	3478	1.9	57057	1387	2.4
<b>Фергана вил</b>	202253	8082	3.9	71373	1549	3.2
<b>Хоразм вил</b>	111849	1015	<b>0.9</b>	37765	222	<b>0.6</b>
<b>Қорақалпоқ.Р.</b>	111869	1722	1.5	38128	591	1.6
<b>НТМК</b>	5771	33	<b>0.5</b>	1899	1	<b>0.1</b>
<b>Республикада</b>	<b>1984229</b>	<b>61998</b>	<b>2.6</b>	<b>669788</b>	<b>18139</b>	3.7

# 2016 ЙИЛ 6 ОЙИДА ИММУНОПРОФИЛАКТИКА СОХАСИДА КЎРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

МАЪМУРИЙ ХУДУДЛАР	ЎПИЛГАН ОБЪЕКТ	ЖАРИМА	ИШДАН ЧЕТЛАТИШ	БОШҚАЛАР
Тошкент ш.		29		27
Андижон вил		135		
Бухоро вил	6	58	76	
Жиззах вил	3	111	6	
Қашқадарё вил	3	52		
Навои вил.		38		
Наманган вил.	14	86	13	6
Самарқанд вил.	5	165	25	
Сурхондарё вил.	12	147	116	
Сирдарё вил.	12	48	4	
Тошкент вил.	31	168	19	28
Фарғона вил		107		
Хоразм вил.	3	48	10	
Қорақалпоғис. Р.	2	68	1	
НТМК	2	68	1	
<b>Республикада</b>	<b>91</b>	<b>1260</b>	<b>270</b>	<b>61</b>

# ЭМЛАШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ



- Эмлаш ҳамшираси томонидан керакли даражада тайёрланган бўлиш ва эмлаш техникасини тўлиқ билиш;
- Эмлаш воситаларини ташиш, уларни тўғри сақлаш ва ишлатиш тартибларига амал қилиш;
- Эмлашда учрайдиган нохуш реакцияларни назоратга олиш;
- Эмлашдан кейин юз берган нохуш реакцияларга биринчи тез тиббий ёрдамни амлга оширишни билиш;
- Эмлаш билан болаларни тўла қамраб олиш, назорат этиш ва оилага кейинги эмлашлар тўғрисида ахборот бериб туриш;
- Ҳар ой эмланганлар натижасини (063-Х) шакл эмлаш картаси билан солиштириб таҳлил қилиш;
- Эмланмаган болалар сабабини, 2 ёшгача бўлганларнинг тўлиқ эмланганлар фоизини аниқлаш (БЦЖ 1 марта, пентавалент вакцинаси 3 марта, ОВП 5 марта, КПК 2 марта, АКДС 1 марта) ;
- Календар асосида катталарнинг эмлаш таҳлилини олиб бориш;
- Аҳоли орасида эмлашнинг аҳамияти тўғрисида тарғибот ишларини ўтказиш.

# ОИЛАВИЙ ШИФОКОР (УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРИ)НИНГ ВАЗИФАЛАРИ



- ❧ келгуси ой ва йилга маҳалла бўйича эмлаш режасини тузиш (эмлаш куни ва эмлашдан тиббий чеклов олган болаларни аниқлайди);
- ❧ эмлашдан сўнг нохуш ҳолатлар кузатилиши мумкин бўлган «хавф гуруҳига» кирувчи болаларни ажратиш;
- ❧ эмлаш кунлари болаларни тиббий кўригини (тана ҳароратини албатта ўлчаган ҳолда) ўтказиш ва боланинг умумий аҳволини инобатга олган ҳолда, эмлашга рухсат бериш;
- ❧ боланинг соғлиги тўғрисидаги хулоса (ташхис)ни (112-Ҳ) шакл ривожланиш тарихи тиббий анкетасига ёзиш;
- ❧ эмланган болаларни тиббий кузатувини ташкил этиш;
- ❧ эмлашдан сўнг нохуш реакция ва асоратлар кузатилса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва зарур бўлса болани шифохонага ётқизишни ташкил этиш;
- ❧ ҳар ой охирида эмлаш ҳисоботи натижаси таҳлилини (мониторинг) олиб бориш;
- ❧ маҳалла ва оилада ҳаво-томчи юқумли касалликларни олдини олишда, эмлаш ва унинг аҳамияти тўғрисида санитария-тарғибот ишларини олиб бориш.

# ИММУНОЛОГ-ШИФОКОРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



- Эмлашни ўз вақтида, тўлиқ бажарилиши ва режалаштиришнинг ҳаққонийлигини назорат қилиш;
- эмлашдан четлатилган болаларни назоратга олиш ва кўриқдан ўтказиш;
- керак бўлган ҳолда эмланган болаларга тез тиббий ёрдамни ташкил этиш;
- оила шифокори тақдим этган ҳолатларда, анамнезида безовтали болаларни консультация килиш,
- (112-Ҳ) шакл ривожланиш тарихи тиббий анкетасига ёзиб, керак бўлса лаборатор текшируви учун тор мутахассис маслаҳатига юбориш ва эмлашнинг индивидуал графигини тузиш;
- узоқ муддатга эмлашдан четлатилган болаларни туман иммунологик хайъатига, шифохона текширувига, эмлаш масаласини ҳал қилишга юбориш;
- эмлаш вақтида ножўя реакциялар содир бўлса, консультация килиш;
- эмлашдан кейинги асоратларни УА шифокори билан таҳлил қилиш;
- эмлаш воситаларининг тўғри сақланиши ва эмлаш хонаси ҳамширасининг ишини назорат қилиш;
- биринчи маротаба поликлиникага ишга олинган тиббиёт ходимини эмлаш тартиб қоидалари билан таништириш;
- поликлиника тиббиёт ходимларига “хавфсиз эмлаш” бўйича ўқиш ташкил этиш ва имтиҳон (зачёт) қабул қилиш.

# ЭМЛАШ ХОНАСИ

## ҲАМШИРАСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



- Эмлаш хонасининг санитария эпидемиологик ҳолатига жавоб бериш;
- Оилавий шифокор, иммунолог-шифокорнинг кўрсатмалари бўйича эмлаш жараёнини олиб бориш;
- 112-Ҳ шакл ривожланиш тарихи тиббий анкетасига ўтказилган эмлашни киритиш ва ўз вақтида 112-Ҳ шаклни картотека ҳамширасига бериш;
- Шифокор кўрсатмаси ва унинг назорати остида лозим бўлган ҳолда, эмланган болага 1-чи тез тиббий ёрдам кўрсатиш;
- Поликлиника катта ҳамширасидан эмлаш воситаларини қабул қилиш ва уларнинг сақланиши, ишлатилишига жавобгар бўлиб, ҳар ойнинг якунида унга ҳисобот бериш.

# Патронаж ҳамширанинг вазифалари



- ❧ - йилига 2 мартаба (кузда ва баҳорда) маҳаллада болаларни рўйхатини ўтказиш;
- ❧ - картотека ҳамшираси билан биргаликда 063-Х шакл эмлаш картаси ва (064-Х) шакл эмлашни рўйхатга олиш дафтарини солиштириб, аниқлик киритиш ҳамда таҳлил ўтказиш;
- ❧ - картотека ҳамшираси билан кейинги ой (йил)да эмланиши лозим бўлган болалар рўйхатини тузиш;
- ❧ - УАШ шифокори билан биргаликда кейинги ойга эмланиши лозим бўлган болаларни кўриб чиқиш;
- ❧ - ойлик эмлаш режаси асосида болаларни ота-оналари билан биргаликда, эмлашга келишга таклиф қилиш;
- ❧ - эмлашдан сўнг эмланган болаларни тиббий кузатувини олиб бориш, патронажни ўтказиш;
- ❧ - «диспансер» назоратида турган, эмлашдан тиббий чеклов олган болаларни шифокор кўригига келишини таъминлаш;
- ❧ - ҳар ой картотека ҳамширасига эмланмай қолган, маҳаллага кўчиб келган, кўчиб кетган болалар, янги туғилган чақалоқлар тўғрисида ҳисобот бериш;
- ❧ - ҳар ой якунида УАШ шифокори билан бирга картотека ҳамширасига ой давомида олиб борилган эмлаш ишлари ҳисоботини топшириш



# **ВАКЦИНАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

# АКДС – адсорбированная коклюшно-дифтерийно-столбнячная вакцина



- 2 ойликдан бошлаб 2 ёшгача бўлган болаларни кўкйўтал, бўғма ва қоқшолга қарши фаол эмлашда ишлатилади (тиббий чекловлар билан 4 ёшгача)
- Инъекция учун суспензия шаклида ишлаб чиқарилади
- Инъекция шаклида юборилади, 1 дозаси- 0,5 мл
- Вакцина чуқур мушак ораси соннинг олд латерал қисмига юборилиши лозим. Вакцинани томир орасига юбориш қатъиян ман этилади.
- Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:**
- вакцинани мушак орасига юборилишини назарда тутганда, тромбоцитопения ва қон ивишини бузилиши билан кечадиган касалликларда эҳтиёткорлик билан ўтказилади;
- асаб тизимининг зўрайиб борувчи касалликлари;
- анамнезида афебрил тутқаноқлар;
- олдинги эмлашга кучли аллергик реакция ёки эмлашдан сўнгги асорат кузатилган ҳолатда;
- соматик ва юқумли касалликларнинг ўткир даври (эмлаш касалликдан соғайишнинг 3 - 14 кунига ўтказилади);

# ВГ В – ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ГА ҚАРШИ ВАКЦИНА



## Қўлланилиши:

миллий эмлаш жадвали асосида 1 ёшгача бўлган болалар;

- ❧ тиббий ходимлар; тиббий колледж ва олийгоҳ талабалари;
- ❧ қон препаратларини олувчилар; палапартиш жинсий алоқада бўлувчи шахслар;
- ❧ тез ва узоқ муддат инъекцион дори-дармон воситаларини олувчилар;
- ❧ вирусли гепатит «В» касаллиги кўп тарқалган худудларда истиқомат қилувчилар;
- ❧ тана аъзоларини кўчириш, жарроҳлик муолажасига тайёргарлик кўрувчилар; юқорида кўрсатилган «хавф» гуруҳи билан мулоқотда бўлганлар;

## Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:

- ❧ чақалоқнинг туғилгандаги вазни 1800 гр.дан кам бўлса;
- ❧ хамиртуришга аллергия реакцияси бўлганлар; вакцина компонентларига аллергия реакция; олдинги эмлашга кучли аллергия реакция ёки эмлашдан сўнгги асорат
- ❧ қон ва қон яратувчи органларни хавфли ўсмалари
- ❧ соматик ва юқумли касалликларнинг ўткир даври (эмлаш касалликдан тузалгандан сўнг 3-14 кунига ўтказилади);



### Фармацевтик шакли:

инъекция учун мўлжалланган суспензия 10 мкг/ 0,5 мл ёки 20 мкг/ 1,0 мл;

### Қўллаш усули:

1 дозаси 20 мкг (1,0 мл) вакцина катталар учун мушак орасига, елканинг дельтасимон мушагига

юборилади, 1 доза 10 мкг (0,5 мл) вакцина болалар учун мушак ораси соннинг олд латерал кисмига юборилади.


# КПК ВАКЦИНА ПРОТИВ КОРИ, ЭПИДЕМИЧЕСКОГО ПАРОТИТА И КРАСНУХИ



## КПК- кизамик, эпидемик тепки ва қизилчага қарши вакцина

### Қўлланиши:

- Қизамик, эпидемик тепки ва қизилча касалликларига фаол эмлаш учун мўлжалланган.
- Миллий эмлаш жадвалига асосан эмлаш 1 ёшда, қайта эмлаш 6 ёшда.
- Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:**
- бирламчи ва иккиламчи иммунодефицит; ҳомиладорлик;
- вакцинани компонентларига аллергик реакция; эмлашдан олдин иммуноглобулин билан муолажа ўтказилганда; қон тизими ва аъзоларининг ҳавфли ўсмалари; олдинги эмлашга кучли аллергик реакция ёки эмлашдан сўнгги асорат
- АКДС ва ВГВ вакциналарини олишдаги барча қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар;
- соматик ва юқумли касалликларнинг ўткир даври (эмлаш касалликдан тузалгандан сўнг 3-14 кунига ўтказилади);



☞ **Фармацевтик шакли:** кучсизлантирилган тирик вакцина. Алоҳида флаконларда қуруқ лиофилизат ва эритувчиси билан комплектда ишлаб чикилади

☞ **Қўллаш усули:** вакцинанинг қуруқ массаси фақат ўзига тегишли эритувчисида эритилади ва тери остига, елканинг дельтасимон мушагига 1 дозаси – 0.5 мл микдорда юборилади.

# ОПВ – ВАКЦИНА ПРОТИВ ПОЛИОМИЕЛИТА, ЖИВАЯ (ОРАЛЬНАЯ).



## ОПВ- полиомиелит касаллигига қарши орал вакцина

### ❧ Қўлланиши:

- ❧ миллий эмлаш жадвали асосида чақалок ва 1 ёшгача бўлган болаларни шол касаллигига
- ❧ қарши фаол эмлаш ўтказишда қўлланилади.
- ❧ Қайта эмлаш 16 ойликда ва 7 ёшда.

### ❧ Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:

- ❧ иммун тизими фаолиятини пасайтирувчи дори-дармонлар истеъмол қилганда; хавфли ўсмалар; бирламчи ва иккиламчи иммунодефицит; олдинги эмлашга кучли аллергик реакция ёки эмлашдан сўнгги асорат; соматик ва юқумли касалликларнинг ўткир даври (вакцинация касалликдан тузалгандан сўнг 3-14 кунига ўтказилади)



## ❧ Фармацевтик шакли:

❧ оғиз орқали қабул қилиниши учун мўлжалланган суспензия.

## ❧ Қўллаш усули:

❧ фақат оғиз орқали қўллаш учун мўлжалланган. 1 доза – 2 томчи.

# БЦЖ - СИЛГА ҚАРШИ ВАКЦИНА



## Қўлланиши:

- ❧ Бирламчи вакцинация соғлом, муддатига етилиб туғилган болаларга ҳаётининг 2-5 кунда, қайта эмлаш 7-14 ёшда, манфий Манту реакциясига эга бўлган соғлом болаларда амалга оширилади.
- ❧ Қайта эмлашда Манту синамасини қўйиш орасидаги интервал 3 кундан кам ва 2 ҳафтадан ошмаслиги керак.

## Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:

- ❧ ҳомиладорлик; бирламчи ва иккиламчи иммунодефицит;
- ❧ туберкулёз билан зарарланган ёки ўтмишда туберкулёз билан касалланганлар;
- ❧ вакцинани компонентларига аллергик реакция; қон тизими ва аъзоларининг хавфли ўсмалари;
- ❧ эмлашдан олдин иммуноглобулин билан муолажа ўтказилганда;
- ❧ чала туғилган болалар туғилганидаги тана вазни 2300 гр дан кам бўлганлар;
- ❧ соматик ва юқумли касалликларнинг ўткир даври (эмлаш касалликдан тузалгандан сўнг 3-14 кунга ўтказилади);



☞ **Фармацевтик шакли:** лиофилланган БЦЖ вакцина, штаммлари тирик микобактериялардир. Алоҳида флаконларда куруқ лиофилизат ва эритувчиси билан комплектда ишлаб чиқарилади.

☞ **Қўллаш усули:** вакцинанинг кукунсимон ғовак массаси фақат ўзига тегишли эритувчисида эритилади ва елканинг тери ичига 0,05 мл дозада 0,1 мл ҳажмда юборилади.

# АС- (АНАТОКСИН СТОЛЬНЯЧНЫЙ) ҚОҚШОЛГА ҚАРШИ АНАТОКСИН



## Қўлланиши:

- ❧ қайта эмлашда 16 ойликда ва 7-16 ёшда эмланади;
- ❧ қоқшолнинг шошилинич махсус профилактикасида қўлланилади

## Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:

- ❧ олдинги эмлашга кучли аллергик реакция ёки эмлашдан сўнгги асорат кузатилган ҳолатда;
- ❧ соматик ва юқумли касалликларнинг ўткир даври (эмлаш касалликдан соғайишнинг 3 -14 кунига ўтказилади
- ❧ ҳомиладорлик;
- ❧ вакцинани компонентларига аллергик реакция;
- ❧ қон тизими ва аъзоларининг хавфли ўсмалари;



### ❧ **Фармацевтик шакли:**

❧ инъекция учун суспензия шаклида ишлаб чиқарилади.

### ❧ **Қўллаш усули:**

❧ инъекция шаклида юбориладиган 1 дозаси- 0,5 мл.

❧ Вакцина тери остига елканинг дельтасимон мушак соҳасига юборилади. Вакцинани томир орасига юбориш катъян ман этилади

# ПЕНТАВАЛЕНТ - КЎК ЙЎТАЛ, БЎҒМА, ҚОҚШОЛ, ГЕПАТИТ В ВА ГЕМОФИЛ ИНФЕКЦИЯНИНГ В ТИПИГА ҚАРШИ ВАКЦИНА



## ❧ Қўлланиши:

- ❧ 2 ойликдан бошлаб 1 ёшгача бўлган болаларда (тиббий чекловлар билан 6 ёшгача).

## ❧ Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:

- ❧ вакцинани мушак орасига юборилишини назарда тутганда, тромбоцитопения ва қон ивишини бузилиши билан кечадиган касалликларда эҳтиёткорлик билан ўтказилади. Бундай хасталик билан касалланган беморларда қон кетиш ҳолати кузатилиши мумкин;
- ❧ асаб тизимининг зўрайиб борувчи касалликлари;
- ❧ анамнезида афебрил тутқаноклар;
- ❧ олдинги эмлашга кучли аллергик реакция ёки эмлашдан сўнгги асорат кузатилган ҳолатда;
- ❧ соматик ва юқумли касалликларнинг ўткир даври (эмлаш касалликдан соғайишнинг 3 -14 кунига ўтказилади);


# ПЕНТАКСИМ®


ВАКЦИНА ДЛЯ ПРОФИЛАКТИКИ ДИФТЕРИИ И  
СТОЛБНЯКА АДСОРБИРОВАННАЯ; КОКЛЮША  
АЦЕЛЛЮЛЯРНАЯ; ПОЛИОМИЕЛИТА  
ИНАКТИВИРОВАННАЯ; ИНФЕКЦИИ, ВЫЗЫВАЕМОЙ  
*HAEMOPHILUS INFLUENZAE* ТИП *B* КОНЪЮГИРОВАННАЯ

Лиофилизат для приготовления суспензии для внутримышечного введения 1 доза,  
в комплекте с суспензией для внутримышечного введения 0,5 мл

1 доза

1 флакон + 1 шприц с закрепленной иглой



SANOFI PASTEUR 

## ☞ Фармацевтик шакли:

☞ инъекция учун суспензия шаклида ишлаб чиқарилади.

## ☞ Қўллаш усули:

☞ инъекция шаклида юборилади 1 дозаси - 0,5 мл.

Вакцина чуқур мушак ораси соннинг олд латерал қисмига юборилиши лозим. Вакцинани томир орасига юбориш қатъиян ман этилади.